

А Ж Р И М

(*тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида*)

2022 йил январь ойининг 05 куни жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди, Наманган шаҳар “Обод” МФЙ биносида очиқ сайёр суд мажлисида, шаҳар судининг судьяси Д.Олимовнинг раислигида, судья ёрдамчиси А.Юлдашевнинг котиблигида, давлат айбловчиси Наманган шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси Б.Дадабоев, адвокат Т.Зокировнинг иштирокида, жабрланувчи А.Қахаров, гумон қилинувчи Хамидова Мастура Махмудовна қатнашувида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчи Хамидова Мастура Махмудовнага оид 1-1601-2205/1-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Хамидова Мастура Махмудовна - 28.11.1960 йилда Наманган туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали 5-нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, давлат мукофатлари билан тақдирланмаган, дупутатликка сайланмаган, Наманган шаҳар, “Дамбоғ” МФЙ Ўзбекистон кўча 11-уйда яшайди.

Суд, гумон қилинувчи, жабрланувчи кўрсатувларини ҳамда давлат айбловчисининг фикрини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Гумон қилинувчи Хамидова Мастура Махмудовна 2021 йил 11 декабрь куни соат 11:30ларда жиноий йўл билан бойлик орттириш мақсадида фуқаро Қахаров Аббосхон Адхам ўғлига қаршли Наманган шаҳрида жойлашган “Исфархон” савдо мажмуасининг 17-сонли дўконининг ташқарисига кўргазма учун қўйилган нархи 3.000.000 сўмлик аёллар пальтосини яширин равишда талон-торож қилиб, воқеа жойидан яширинган.

Гумон қилинувчи Хамидова Мастура Махмудовна суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўла иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчи А.Қахаровга етказилган зарарни тўлиқ қоплагани, кечирим сўраганлиги, ярашув ихтиёрий бўлганлиги кўрсатма бериб, жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни сўради.

Жабрланувчи Қахаров Аббос Адхам ўғли суд мажлисида берган ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, гумон қилинувчи Хамидова Мастура Махмудовнага хозирда унга нисбатан моддий ва маънавий зарарлар масаласида ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, айбланувчи томонидан етказилган зарарлар тўлиқ бартараф этилгани, аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатма бериб, жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ, Жиноят кодексининг 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган



жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса тарафларнинг ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Суд жабрланувчи А.Қахаров ҳамда гумон қилинувчи Хамидова Мастура Махмудовнанинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, давлат айбловчиси ва ҳимоячининг жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, гумон қилинувчи Хамидова Мастура Махмудовнанинг айбига тўлиқ иқрорлиги ва етказилган зарарни тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчининг унга нисбатан моддий ва маънавий зарар бўйича даъвоси йўқлиги, жабрланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув гумон қилинувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инobatга олиб, гумон қилинувчи Хамидова Мастура Махмудовнага нисбатан юритилган жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни ҳамда гумон қилинувчи Хамидова Мастура Махмудовнани жиноий жавобгарликдан озод қилишни лозим топди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 423, 582, 583, 586-моддаларини қўллаб, ажрим қилади.

А Ж Р И М :

Гумон қилинувчи Хамидова Мастура Махмудовнага нисбатан юритилган жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин, гумон қилинувчи Хамидова Мастура Махмудовна жиноий жавобгарликдан озод қилинсин.

Тергов ҳаракатлари акс эттирилган 1 дона DVD-R диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ажримдан норози томонлар ажрим эълон қилинганидан бошлаб 20 (йигирма) кун ичида шу суд орқали Наманган вилоят судига хусусий шикоят ва протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:



СУД МАЖЛИСИ БАЁННОМАСИ

2022 йил январь ойининг 05 кунини жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди, Наманган шаҳар "Обод" МФЙ биносида очиқ сайёр суд мажлисида, шаҳар судининг судьяси Д.Олимовнинг раислигида, судья ёрдамчиси А.Юлдашевнинг котиблигида, давлат айбловчиси Наманган шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси Б.Дадабоев, адвокат Т.Зокировнинг иштирокида, жабрланувчи А.Қахаров, гумон қилинувчи Хамидова Мастура Махмудовна қатнашувида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчи Хамидова Мастура Махмудовнага оид 1-1601-2205/1-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Раислик қилувчи Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 428-моддаси талабига асосан суд мажлисини очиб, кўриладиган жиноят иши мазмунини эълон қилди ва судга чақирилганларни келган-келмаганлигини аниқлади.

Суд мажлиси котиби давлат айбловчиси Наманган шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси Б.Дадабоев, гумонланувчи Хамидова Мастура Махмудовна ва унинг ҳимоячиси Т.Зокиров, жабрланувчи А.Қахаров суд мажлисида ҳозирлиги ҳақида маълум қилди.

Раислик қилувчи тарафлардан эътирозлар бор-йўқлигини сўради.

Эътирозлар бўлмади.

Раислик қилувчи ЖПКнинг 431-моддасига асосан томонларга суд таркибини эълон қилди ва суд рад қилиш ҳақидаги ҳуқуқларини тушунтириб, раддиялари бор ёки йўқлигини аниқлади.

Суд таркибига раддиялар ва эътирозлар бўлмади.

Раислик қилувчи ЖПКнинг 434-моддаси талабларига асосан гумонланувчини шахсини аниқлади:

Хамидова Мастура Махмудовна - 28.11.1960 йилда Наманган туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали 5-нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, давлат мукофатлари билан тақдирланмаган, дупутатликка сайланмаган, Наманган шаҳар, "Дамбоғ" МФЙ Ўзбекистон кўча 11-уйда яшайди.

Гумонланувчининг шахси бўйича бошқа саволлар бўлмади.

Раислик қилувчи ЖПКнинг 435-моддаси талабларига асосан Жиноят-процессуал кодексининг 48-моддасида қайд қилинган гумонланувчининг суд муҳокамасидаги процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирди, ундан тушунган ёки тушунмаганлигини аниқлади.

Раислик қилувчининг саволига гумонланувчи:

- Суддаги барча ҳуқуқ ва мажбуриятларим тўлиқ тушунарли.

Раислик қилувчи ЖПКнинг 436-моддаси талабларига асосан ЖПКнинг 55-моддасида қайд қилинган жабрланувчини суд муҳокамасидаги процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирди, ундан тушунган ёки тушунмаганлигини аниқлади.



Раислик қилувчининг саволига жабрланувчи:

- Суддаги барча ҳуқуқ ва мажбуриятларим тўлиқ тушунарли.

Раислик қилувчи ЖПКнинг 438-моддасига асосан судга қўшимча ва илтимосномалар бор ёки йўқлигини аниқлади.

Қўшимча ва илтимосномалар бўлмади.

Раислик қилувчи гумонланувчига ўзига маълум ҳолатлар бўйича кўрсатувлар беришни таклиф этди:

Гумонланувчининг кўрсатуви:

- айбимга иқрорман, қилмишимдан чин кўнгилдан пушаймонман, содир этган қилмишимнинг оқибатларини англадим.

Раислик қилувчининг саволига гумонланувчи:

- ҳозирда жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганман, кечирим сўрайман, ярашувимиз ихтиёрий;

- ишни тугатишни сўрайман.

Раислик қилувчи жабрланувчи А.Қахаров шахсини аниқлади:

Қахаров Аббос Адхам ўғли - 21.08.1992 йилда Наманган шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, Исфархон савдо мажмуасида сотувчи, оилали 3-нафар фарзанди бор, Наманган шаҳар, "Шишаки" МФЙ 3-Ибн Сино кўчаси 4-уйда яшайди.

Жабрланувчининг шахси бўйича томонларда саволлар бўлмади.

Раислик қилувчи ЖПКнинг 441-моддаси талабларига асосан, жабрланувчини ЖКнинг 238,240-моддалари талаблари билан ёлғон кўрсатув берганлик ва кўрсатув беришдан бош тортганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилди, қасамёд олинди.

Раислик қилувчининг саволига жабрланувчи:

Жабрланувчи А.Қахаров кўрсатуви:

- Хамидова Мастура Махмудовна кечирим сўради, мени унга нисбатан даъвоим йўқ. Барча моддий ва маънавий зарарни қоплабган;

- менга ҳеч қандай тайзиқ ўтказгани йўқ. Сиздан унга нисбатан жиноят ишини ҳаракатдан тўхтатишингизни сўрайман.

Жабрланувчига бошқа саволлар бўлмади.

Жабрланувчи гумонланувчи билан ярашганлиги ҳақидаги аризани тақдим этди.

Раислик қилувчи аризани ўқиб эшиттирди ва иш материалга қўшди.

Раислик қилувчи жабрланувчига ЖПКнинг 583-моддаси талабларини тушунтириб, ундан тушунган тушунмаганлигини сўради.

Раислик қилувчининг саволига жабрланувчи:

- Менга ЖПКнинг 583-моддаси талаблари тўлиқ тушунарли.

Жабрланувчига бошқа саволлар бўлмади.

Раислик қилувчи иш материалларини кўздан кечирди.

Суд ЖПКнинг 448-моддасига асосан тарафлар музокарасига ўтади.

Прокурорнинг хулосаси:

- Ҳурматли раислик қилувчи! Сиздан гумонланувчи оид жиноят ишини жабрланувчи билан ярашганлиги муносабати билан тугатишингизни ва суд мажлиси баённомасини тасдиқлашингизни сўрайман.



Гумонланувчи ҳимоячисининг музокара нутқи:

- Ҳурматли раислик қилувчи! Айбланувчи жабрланувчи билан ўзаро ярашганлиги сабабли жиноят ишини ҳаракатдан тугатишингизни сўрайман.

Жабрланувчининг музокара нутқи:

- Ҳурматли раислик қилувчи! Мен Хамидова Мастура Махмудовна билан ўзаро ярашганлигим сабабли, ярашувни тасдиқлаб, гумонланувчига нисбатан бўлган жиноят ишини тугатишингизни сўрайман.

Гумонланувчининг музокара нутқи:

- Ҳурматли раислик қилувчи! Жабрланувчи билан ўзаро ярашганлигим сабабли жиноят ишини ҳаракатдан тугатишингизни сўрайман.

Раислик қилувчи алоҳида хонага кирди.

Раислик қилувчи алоҳида хонадан чиқиб ажримни ўқиб эшиттирди.

Раислик қилувчи ажрим юзасидан хусусий шикоят ва хусусий протест келтириш тартиби ва муддатини ҳамда суд мажлиси баённомаси билан танишиб чиқиш муддати ва тартибини тушунтирди.

Суд мажлиси ёпиқ деб эълон қилинди.

Раислик қилувчи:

Суд мажлиси котиби:

